

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМДЖАНОВА ДИЛНАВОЗ СУННАТ ҚИЗИ**

**АНТИК ДАВР ФАЛСАФАСИДА ЭРКИНЛИК ФЕНОМЕНИ**  
**ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Рахимджанова Дилнавоз Суннат кизи**

Антик давр фалсафасида эркинлик феномени тарансформацияси.....3

**Рахимджанова Дилнавоз Суннат кизи**

Трансформация феномена свободы в философии античности.....28

**Rakhimdjanova Dilnavoz Sunnat kizi**

The transformation of the phenomenon of freedom in the philosophy of antiquity.....52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....57

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМДЖАНОВА ДИЛНАВОЗ СУННАТ ҚИЗИ**

**АНТИК ДАВР ФАЛСАФАСИДА ЭРКИНЛИК ФЕНОМЕНИ**  
**ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fal95 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Раҳмат Раҳманович**

фалсафа фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич**

фалсафа фанлари доктори

**Наврузова Гулчеҳра Нигматовна**

фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05. рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.:(99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**И.И.Саифназаров**

илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

**Н.Б.Абдуллаева**

илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби  
в.б., фалсафа фанлари доктори,  
доцент

**Ж.С.Раматов**

илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий  
семинар раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда рўй бераётган барча ўзгариш, ривожланиш эркинлик мавжуд бўлган замон ва макон «континууми»да амалга ошмоқда. Тадқиқотчиларнинг эркин тафаккури, олимларнинг эркин ихтиролари, ёшларнинг инновацион ғояларни эркин ифода этиши ва илгари суриши дунё қиёфасининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Эркинлик ўтмиш нуктаи назаридан ўзгарувчан ва турли вариантли феномен ҳисобланади. Жамият ҳар бир янги босқичида маданият, қадриятлар, фан-технология ва нормаларнинг ривожланишига қараб, эркинликни янги талқин этиш зарурияти келиб чиқаверади. Эркинлик атамаси шаклан ўзгариши билан бир қаторда, унинг шахс томонидан қабул қилиниши, дунёқарашдаги парадигмалардаги акси ҳам тубдан янгиланади. Муайян эркинлик ижтимоий нормаларни, ўз-ўзини англаш ва мулоқотга киришишни кодлаштириш воситаси ҳисобланади. Шундай экан, «эркинлик» тушунчаси шаклланишининг концептуал асослари ва унинг тарихий ривожланишини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ахборотлашган жамиятнинг турли соҳаларида шаклланаётган эркинликни асослаш заруриятини туғдиради. Хусусан, ҳуқуқ, ахлоқ, ижтимоий, сиёсий соҳаларида ҳам у ўз долзарблигини йўқотмаган. Бу масала ечимини топишга бўлган интилиш ривожланган мамлакатлар саналган АҚШ, Германия, Франция, Испания, Швецария, Голландия, шунингдек, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Япония каби шарқ мамлакатларида ҳам ҳеч қачон тўхтамаган. Информацион-коммуникацион технологиялар ривожланаётган шароитда инсон эркинликни янги талқинда тушунади. Эркинликни соҳавий тадқиқ этиш фақатгина эркинлик феноменини ҳуқуқий маданият категорияси сифатида кенгайтириш билан чегараланмайди. Унинг ҳуқуқий ва ахлоқий аспектлари билан биргаликда фаолият юритиши каби ўзига хос хусусиятларини очиб беришига ҳам имкон беради. Ушбу муаммонинг фалсафий аспектлари кейинги давр мутафаккирлари, масалан, янги замон файласуфлари, экзистенциалистлар томонидан ўрганилган. Ҳозирги замон изланувчилари эса Платоннинг диалоглари, «Давлат», «Қонунлар», Аристотелнинг «Этика», Плотиннинг «Энеадалар» асарларини тадқиқ этмоқдалар. У ердаги эркинлик ҳақидаги қарашларни бизнинг давр жамиятини эркинликка бўлган муносабати билан таққослашни тақозо қилади.

Ўзбекистонда эркинлик масаласи барча соҳа ва масалаларда алоҳида ўринга эга. Хусусан, иқтисодиётда эркин иқтисодий муносабатлар, фуқаролик жамиятини қуришда эркин ва фаровон замин, ижтимоий-ҳуқуқий, диний масалаларда эркин шахс, ОАВ да сўз эркинлиги кўринишларида ўзини бу феномен намоён этади. «Ахборот ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, давлат идоралари фаолиятининг очиклиги ва ошкоралиги – Янги Ўзбекистоннинг сифат кўрсаткичларидан бирига айланди»<sup>1</sup>. Ушбу белгиланган йўлни давлат сиёсатининг энг муҳим

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси [Матн] – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.

йўналишларидан бири сифатида таъкидлаб ўтган. Бунда эркинлик тушунчасининг амалий аҳамияти яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041 сон «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳамда ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш борасида янги даврни бошлаб берди. Жумладан, «эркинлик» тушунчасини ёшлар маънавий онгига сингдиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-5847 сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Антик давр фалсафаси билан шуғулланган ва шуғулланаётган фалсафа тарихчилари жуда кўп. Замонавий тадқиқот ишларининг аксарияти антик фалсафанинг турли жабҳалари ва уни ўрганиш масалаларига бағишланган.

Диссертациямизда юнон фалсафасининг вакиллари Сократ, Платон ва Аристотелларнинг эркинлик тўғрисидаги қарашларини мерос қилиб олган ва уларга ўзларининг янгича ёндашувлари билан катта ҳисса қўшган неоплатонизм вакиллари эркинлик тушунчасига оид талқинлари ҳар томонлама чуқур ва холис ўрганилди.

Жумладан, антик давр юнон классик файласуфлари таълимотларида муҳим жой олган эркинлик тушунчасини ўрганган тадқиқотчилар сафига И.Берлин<sup>2</sup>, М.Полец (М.Polenz)<sup>3</sup>, Л.М.Глускина<sup>4</sup>, М.Фред (М.Frede)<sup>5</sup>, А.А.Столяров<sup>6</sup>, В.С.Соловьев<sup>7</sup>, Р.С.Брамбо<sup>8</sup>, Л.И.Шестов<sup>9</sup>, Г.В.Драч<sup>10</sup>,

<sup>2</sup> Берлин И. Философия свободы. Европа / пред. А. Эткинда. – М.: Новое литературное образование, 2001. – 448 с.

<sup>3</sup> Polenz M. Freedom in Greek Life and Thought. The History of an Ideal. – Dordrecht. 1966. – 220 p.

<sup>4</sup> Глускина Л.М. «Проблемы кризиса полиса», Античная Греция: проблемы развития полиса. – М., 1983. – 29 с.

<sup>5</sup> Frede M. A Free Will. Origins of the Notion in Ancient Thought. – London, 2011. – 224 p.

<sup>6</sup> Столяров А.А. Свобода воли как проблема европейского морального сознания. – М., 1999. – 208 с.

<sup>7</sup> Соловьев В.С. Соч.: В 2 т. – М., 1990. – Т. 1. – 892 с.

<sup>8</sup> Брамбо Р.С. Философы древней Греции. – М.: Центрполиграф. 2002. – 352 с.

У.Стейнворц (U.Steinvoth)<sup>11</sup>, А.Н.Харламов<sup>12</sup>, Р.М.Чизолм (R.M.Chisholm)<sup>13</sup>, Р.Кейн (R.Kane)<sup>14</sup>, Г.Уотсон (G.Watson)<sup>15</sup> кабилар киради.

Бугунги кунда неоплатонизмда эркинлик масаласига доир турли тадқиқотлар мавжуд бўлиб, булар жумласига Э.Брейе<sup>16</sup>, А.Л.Доброхотов<sup>17</sup>, М.Хайдеггер<sup>18</sup>, А.Ф.Лосев<sup>19</sup>, Т.В.Васильева<sup>20</sup>, П.Адо<sup>21</sup>, И.В.Берестов<sup>22</sup>, Дж.М.Рист<sup>23</sup>, Ю.А.Шичалин<sup>24</sup> ва бошқа бир қатор муаллифларнинг фундаментал тарихий-фалсафий асарларини киритиш мумкин. Шунингдек, турли мажмуа ва журналларда неоплатонизмнинг айрим асарларининг Р.В.Светлов, М.А.Гарнцев, Т.Ю.Бородай, Е.В.Афонасина, С.В.Месяц, Л.Ю.Лукомской, Е.Штофф, Т.Г.Сидаш, М.А.Солопова ва бошқалар томонидан амалга оширилган таржималари учрайди.

Ўзбекистонда мазкур мавзу бўйича олиб борилган йирик тадқиқотлар мавжуд эмас. Мамлакатимизда нашр этилган ўқув қўлланма, дарслик ва китоблаода эркинлик масаласига маълум бир миқдорда тўхталиб ўтилган. Буларга Р.Р.Каримов<sup>25</sup>, С.А.Йўлдошев<sup>26</sup>, М.О.Усмонов<sup>27</sup>, М.Ш.Шарипов<sup>28</sup>, Т.Алимардонов<sup>29</sup> каби муаллифларнинг ишларини келтириш мумкин.

Тадқиқот ишлари натижаларини ўрганганимизда замонавий тадқиқотчилар антик давр фалсафий тизимининг барча босқичларидаги эркинлик билан боғлиқ саволларга бир-бирига ўхшамаган, баъзан зиддиятли, хуллас, турли жавоблар берганларини кўришимиз мумкин. Ўша даврдаги

---

<sup>9</sup> Шестов Л.И. Соч.: В 2 т. – М., 1993. – Т. 1. – 668 с.

<sup>10</sup> Драч Г.В. Рождение античной философии и начало антропологической проблематики. – М., 2003. – 318 с.

<sup>11</sup> Steinvoth U. Freiheitstheorien in der Philosophie der Neuzeit. – Darmstadt, 1987. – 302 p.

<sup>12</sup> Харламов А.Н. Особенности формирования категорий свобода воли, вина и ответственность в эпоху Античности // Вестник Воронежского государственного университета. Серия «Лингвистика и межкультурная коммуникация». – 2007. – 98-102 с.

<sup>13</sup> Chisholm R. M. Human Freedom and the Self // Free Will /Ed. G. Watson. – Oxford: Oxford University Press, 1982. – 18 p.

<sup>14</sup> Kane R. A Contemporary Introduction to Free Will. – Oxford: Oxford University Press, 2005. – 141-189 p.

<sup>15</sup> Watson G. Responsibility and the Limits of Evil: Variations on a Strawsonian Theme // Responsibility, Character and the Emotions / Ed. F. D. Schoeman. – Cambridge: Cambridge University Press, 1987. – 256-286 p.

<sup>16</sup> Брейе Эмиль. Философия Плотина. – СПб.: Владимир Даль, 2012. – 392 с.

<sup>17</sup> Доброхотов А.Л. Категория бытия в классической западноевропейской философии. – М.: Издательство Московского университета, 1986. – 248 с.

<sup>18</sup> Хайдеггер М. Мартин Хайдеггер: Сборник. – М.: Гнозис, 1993. – 332 с.

<sup>19</sup> Лосев А.Ф. История античной эстетики. Поздний эллинизм. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2000. – Том 6. – 960 с.

<sup>20</sup> Васильева Т.В. Путь к Платону. Любовь к мудрости или мудрость любви. – М.: Логос, 1999. – 208 с.

<sup>21</sup> Адо П. Плотин, или простота взгляда // Перевод с французского Е. Штофф. – М.: Греко-латинский кабинет Ю.А.Шичалина, 1991. – 142 с.

<sup>22</sup> Берестов И.В. Свобода в философии Плотина. – СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 2007. – 382 с.

<sup>23</sup> Рист Дж. Плотин: путь к реальности / Пер. с англ. Е.В.Афонасина, И.В.Берестова. – СПб.: «Издательство Олега Абышко», 2005. – 320 с.

<sup>24</sup> Шичалин Ю.А. История античного платонизма в институциональном аспекте. – М.: Греко-латинский кабинет, 2000. – 439 с.

<sup>25</sup> Каримов Р.Р. Очерки по древнегреческой философии: Монография. – Тошкент: Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи, 2021. – 132 с.

<sup>26</sup> Йўлдошев С.А., Усмонов М.О., Каримов Р.Р. Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 208 б.

<sup>27</sup> Ўша манба.

<sup>28</sup> Sharipov M.Sh. Falsafa tarixi. Antik davr falsafasi: Darslik. – Toshkent: Go To Print, 2020. – 272 b.

<sup>29</sup> Алимардонов Т. Эркинлик руҳи. – Тошкент: Нишон-Ношир, 2014. – 250 б.

фикрларда қарама-қаршилик мавжудлиги ва ҳар бир тадқиқотчи ўз идеалидан келиб чиқиб, изоҳ бериши ҳам сабаб бўлган. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларда эркинлик тўғрисидаги саволга берилаётган жавоб бир маъноли кўриниш касб этмайди. Гарчи барча даражадаги «эркинлик» мавжудлиги таъкидланаётган бўлсада, антик давр фалсафаси муайян даражада «эркин» деб фараз қиладиган барча нарсага мос келадиган «эркинлик»нинг ягона тушунчаси ҳалигача таклиф этилгани йўқ.

Шундай қилиб, антик даврнинг эркинлик феноменини ўрганиш бўйича ишлар тугалланмаган ҳамда ушбу диссертациянинг мавзусини ташкил этаётган муаммо фалсафа тарихчилари томонидан ҳали тўла ишланмаган, деган хулосага келиш мумкин.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Фалсафа тарихининг замонавий назарий-методологик муаммолари» ва «Мантик: тарихи ва замонавий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** антик давр фалсафасида эркинлик феноменининг трансформациясини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кадимги юнон фалсафасида эркинлик категориясини ўрганишнинг методологик асосларини ёритиш;

эркинлик феноменини тадқиқ этишда компаративистик услубнинг назарий-методологик аҳамиятини очиб бериш;

юнон фалсафасида эркинлик феноменининг трансформацион эволюциясини асослаш;

Сократ ва унинг мактаблари фалсафасида эркинлик талқинининг ворисийлик хусусиятини ёритиб бериш;

эркинлик атамасининг Платон таълимотидаги диалектикасини намоён этиш;

Аристотель қарашларида эркинлик феноменини талқин қилиш;

Плотиннинг умумий фалсафий тизимида эркинлик масаласининг ўрнини кўрсатиб бериш;

Плотин «Эннеада»ларида «эркинлик» тушунчасини тадқиқ этиш;

сўнгги неоплатонизм вакилларида эркинлик муаммоси ечимини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида антик давр фалсафаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** антик давр юнон фалсафасида эркинлик феноменининг трансформацияси ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ўзаро алоқадорлик, объективлик, тарихийлик тамойиллари, муаммовий ёндашув, компаративистик таҳлил ва синтез, гипотетик-дедуктив, тизимли ёндашув, ворисийлик, дивергенция, телеологик ёндашув, социологик сўровнома, социологик суҳбат каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:



эркинлик феномени ҳамда фуқаролар ҳаётидаги эркинлик ахлоқининг «қонун», «полис», «фуқаро» билан боғлиқ моҳияти Сократ, Платон, Аристотель ва неоплатонизм вакилларининг масъулият, идеал давлат, ўзбошимчалик, жавобгарлик каби фалсафий қарашлари асосида очиб берилган;

Платоннинг «Давлат» асаридаги меъёрдан ортиқ эркинликни давлатни бошқарувчи якка инсонлар қўлига бериш тирания тузумига олиб келиши ва жамиятни тобелаштириши каби нуқтаи назар билан ҳозирги кунда ҳокимиятдаги ваколатли шахсларга қонун чегарасидан четга чиқувчи эркинликни бериш замонавий социумда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига сабаб бўлиши ва унинг фуқаролик жамияти тамойилларига зидлиги борасидаги ёндашувнинг уйғунлиги асосланган;

давлат сиёсий бошқарувида шахс, жамият манфаатларини таъминлашдаги ижтимоий-фалсафий қарашлар воситасида халқ билан мулоқот, адолат, тенгҳуқуқийлик ва гуманистик тамойилларни қарор топтириш зарурияти жамият бир бутунлигини таъминлашда намоён бўлиши очиб берилган;

антик давр фалсафаси мутафаккирларининг қарашларида эркинлик феноменининг эволюцион трансформацияси диалектик жиҳатдан ижтимоий, сиёсий, маънавий, ахлоқий, фалсафий, руҳий эркинликдаги плюралистик ғояларнинг замонавий моҳиятига адекват эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

антик давр фалсафасидаги эркинлик феноменини ўрганиш орқали ҳозирги замон жамият ҳаётидаги инсон маънавий-руҳий олами, истак ва интилишларига оид ғоялардан унумли фойдаланиш, давлат тизимидаги ҳуқуқий нормалардан инсон эркига оид қисмлари орқали шахснинг кадр-қимматини ошириш механизмлари ишлаб чиқилган;

«эркинлик» тушунчасини очиб бериш асосида эзгу истакларни уйғотиш, яратувчанлик қобилятини шакллантириш, ахлоқий таназзулнинг олдини олиш, жамиятдаги бегоналашувни, ёлғизликни бартараф этиш учун фаол ижодкорлик кўникмасини тарғиб қилиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишга оид назарий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялар, илмий хулосаларидан фалсафа тарихи, ахлоқ масалалари ва юридик соҳаларга оид илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Илмий хулосалардан фалсафа тарихи, антропология, психология, ҳуқуқшунослик ва социология фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар

тайёрлашда, гуманитар фанлар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Инсон эркинлиги таҳлили ҳақидаги назарий-фалсафий ғоялар, тавсиялар фалсафа, ахлоқшунослик ва психология каби ижтимоий фанлар тизимини янгича ёндашувлар билан бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги таклиф ҳамда хулосалардан маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий фаолиятларида фойдаланиш ҳамда илмий ишдаги хулосаларида келтирилган эркинлик ғоясининг асл моҳиятини аҳолининг турли қатламлари онгига сингдириш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Антик давр фалсафасида эркинлик феномени трансформацияси бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

эркинлик феномени ҳамда фуқаролар ҳаётидаги эркинлик ахлоқининг «қонун», «полис», «фуқаро» билан боғлиқ моҳияти Сократ, Платон, Аристотель ва неоплатонизм вакиллариининг масъулият, идеал давлат, ўзбошимчалик, жавобгарлик каби фалсафий қарашлари асосида очиб берилишига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ёшлар ҳаёти, эркинликларини, интилишларини аниқлашга йўналтирилган ижтимоий-маънавий, ҳуқуқий, соҳаларга оид туркум тадбирларни ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 9 ноябрдаги 2-13-23-2781-сон маълумотномаси). Натижалар ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларда кучли фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшлар тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларнинг илмий ва инновацион салоҳиятини бойитиш каби вазифаларни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилган;

Платоннинг «Давлат» асаридаги меъёрдан ортиқ эркинликни давлатни бошқарувчи якка инсонлар қўлига бериш тирания тузумига олиб келиши ва жамиятни тобелаштириши каби нуқтаи назар билан ҳозирги кунда ҳокимиятдаги ваколатли шахсларга қонун чегарасидан четга чиқувчи эркинликни бериш замонавий социумда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши ва унинг фуқаролик жамияти тамойилларига зидлиги борасидаги ёндашувнинг уйғунлиги асосланишига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказининг ўқув-услугий ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази 2021 йил 14 сентябрдаги 02/369-сон далолатномаси). Натижалар ёшларнинг ижодий ва касбий фаолиятини таъминлашга, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга, бузғунчи ғояларга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга, руҳий ва маънавий олами бойишига хизмат қилган;

давлат сиёсий бошқарувида шахс, жамият манфаатларини таъминлашдаги ижтимоий-фалсафий қарашлар воситасида халқ билан

мулоқот, адолат, тенгҳуқуқийлик ва гуманистик тамойилларни қарор топтириш зарурияти жамият бир бутунлигини таъминлашда намоён бўлиши очиб берилишига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилган «Ғарб фалсафаси тарихи» номли дарсликни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказининг 2022 йил 23 февралдаги 02/01-02-55-сон маълумотномаси). Натижалар давлат бошқарувидаги эркинлик аҳамияти шахснинг фалсафий-сиёсий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилган;

антик давр фалсафаси мутафаккирларининг қарашларида эркинлик феноменининг эволюцион трансформацияси диалектик жиҳатдан ижтимоий, сиёсий, маънавий, ахлоқий, фалсафий, руҳий эркинликдаги плюралистик ғояларнинг замонавий моҳиятига адекват эканлиги далилланганлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали ДУК қошидаги «O‘zbekiston tarixi» телеканалининг «Тақдимот» кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали ДУК қошидаги «O‘zbekiston tarixi» телеканалининг 2021 йил 30 июлдаги 02-40/1246-сон маълумотномаси). Натижалар ёшлар онгида эркин тафаккури ривожига, ўз ички руҳий-маънавий оламини англашга хизмат қилган. Жумладан, антик давр фалсафаси мутафаккирларининг қарашларида эркинлик феноменининг эволюцион трансформацияси диалектик жиҳатдан ижтимоий, сиёсий, маънавий, ахлоқий, фалсафий, руҳий эркинликдаги плюралистик ғояларнинг замонавий моҳиятига адекват эканлиги далилланишига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси «Teleraadiokompaniya ZO‘R» МЧЖ тасарруфидаги «Водий садоси Ёшлар телерадиоканали» FM102,7 радиостанцияси томонидан эфирга узатиладиган «Кўнгил бекати» радиоэшиттиришининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Teleraadiokompaniya ZO‘R» МЧЖнинг 2021 йил 28 июндаги 03-10/1701-сон далолатномаси). Натижалар ёш авлод ўз маънавий оламини англаши ҳамда шахсларнинг ахлоқий ва фалсафий дунёқарашини кенгайтиришда ўз ифодасини топган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, LAP Lambert Academic Publishing (Германиядаги нашриётнинг Молдавадаги филиали) хорижий нашриётида 1 та монография (инглиз тилида), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (8 таси республика, 3 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, объекти ва предмети, методлари, мақсади ва вазибалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича маълумотлар асосланган.

Диссертациянинг **«Қадимги юнон фалсафасида эркинлик феноменининг назарий-методологик аспектлари»** деб номланган биринчи бобида юнон фалсафасини ўрганишнинг методологик асослари, ўша даврдаги мутафаккирларнинг эркинлик тўғрисидаги қарашларини солиштиришда компаративистик услубни ўрни ҳамда антик даврда эркинлик феноменининг траняформацион эволюцияси очиб берилган.

Юнон фалсафаси тарихини ўрганувчиларни икки хил кўринишдаги ҳолатга тушиб қолишларига ўз тадқиқотлари давомида изланаётган пайтлари «Айнан нимани тадқиқ этиш даркор?» деган саволга бериладиган жавоб сабаб бўлади. Ўша даврга тегишли матнлар билан ишлаш зарурлиги ҳамда Қадимги Юнонистонда пайдо бўлган фалсафани умумий жиҳатдан ўрганиш ҳолатлари вужудга келади. Таъкидлаш ўринлики, тадқиқ этиш жараёнида изланувчилар ўз нуқтаи назарларига яқин бўлган дунёқараш ва шахсий ғоявий билимларига мос шарҳларга мурожаат қилганларида ёки мазкур фикрларни ўзларига қулай томонга оғдирган ҳолда таҳлил этганларида юнон фалсафасининг асл мазмунини сезиларли тарзда ўзгариши ҳолатлари кузатилиши мумкин. Методологик ёндашувнинг соддалашиб кетишига шундай ҳолатлар мавжудлигини сабаб қилиб айтиш мумкин<sup>30</sup>.

Юқоридаги фикрга мисол тариқасида тарихий-фалсафий жараён фалсафий матн ва шарҳлар билан бир қаторда, улар таркибига кирувчи мутафаккирларнинг ҳаёт саналарини ҳам ўз ичига олади. Натижада эса фалсафа тарихи таҳлилий кўриниш касб этмай, ўзига хос тарздаги «мутафаккирлар жамланмаси» кўринишига эга бўлишини айтиш мумкин. Одатда, бу кўринишдаги жараён орқали тадқиқотчи интиладиган бирор мақсад кўзланади ёки барча тарихий-фалсафий жараёнда юзага келган фалсафий ғояларнинг йиғиндиси тасвирини кўрсатишга мўлжалланган натижалар берилади. Бундан аён бўладики, «мутафаккирлар жамланмаси» акс этган тарихий-фалсафий жараёнда хронологик тартиб, кетма-кетлик бирламчи кўриниш касб этади.

---

<sup>30</sup> Вольф М.Н., Берестов И.В. Проблемный подход к исследованию древнегреческой философии // СХОЛН: Философское антиковедение и классическая традиция. – Новосибирск, 2007. – Vol. 1.2. – С. 205-246.

Аммо юқорида айтилган мақсад ва фалсафа тарихи битиладиган тугал ғоя ёки натижа тарихий-фалсафий жараёнда мавжуд экан, у ҳолда хронологияни биринчи ўринга қўйиш тўғри қарор бўлмайди. Шу тариқа, хронологияни четга суриб, унинг ўрнига телеологияни қўйсак, ҳар томонлама мос ва қулай бўлар эди. Телеологик ёндашувнинг умумий маъно-мазмунига яна қуйидаги кўринишдаги таснифни қўшимча қилиш мумкин, яъни ўрганувчининг мавжуд ғояси, идеалидаги тасаввури билан шарҳловчи қайта тиклаётган тугал ғоя ёки натижа қанчалик мос келишига қараб, қадимги файласуфларнинг ишлари баҳоланади.

Тадқиқотчилар муаммовий қараш ёрдамида мутафаккирлар тўғрисидаги мазмунсиз мулоҳазалардан озод бўлишлари мумкин. Жумладан, бу ёндашув уларнинг мавжуд концепцияларини рад этмаган ва ўрнини янги фикрлар билан ўзгартирмаган ҳолда таълимотларини соф мазмуни билан қабул қилинишига ёрдам беради. Бу ерда гувоҳи бўлганимиздек, барча таълимотлар ўзаро бирлашиб, алоқага киришиб, ягона муаммоли майдонни вужудга келтиради. Шу тариқа, ҳар бир файласуф қарашлари рад этилмай, мозаика қисмлари каби бирлашиб, барча учун умумий бўлган мозаик тасвирни ҳосил қилади. Муаммовий ёндашув ўзининг таркибига тарихий ва мантиқий компонентларни киритган.

Ўз тадқиқот ишимизни антик давр нафасидан келиб чиққан ҳолда, эркинлик масаласига бағишлашга қарор қилдик. Ушбу муаммони муайян методологик асосларга таянган тарзда очиб берамиз, давр нафасига мослаштирилган ҳолатда, унинг трансформацияга учраб боргани ва ҳозирги пайтга келиб, бу масала долзарблигини йўқотмай, аксинча, жавоб топишга қизиқиш кучайганини кўрсатамиз. Демак, эркинлик масаласини тарихий-фалсафий жараёндаги антик давр чегарасида ўрганиб, унга телеологик ҳамда бир вақтнинг ўзида муаммоли ёндашув асосида ушбу категорияни мантиқий ва тарихий компонент орқали изчил таҳлилдан ўтказиб, ўша даврга тегишли мутафаккирлар фикрларини компаративистик усулдан фойдаланган ҳолда, унинг айнан шу даврда, нафақат шу, балки бошқа даврларда ҳам сезиларли трансформацияга учраганини аниқладик.

Буларга қўшимча тарзда тадқиқот ишимизни илмий ва амалий жиҳатдан бойитиш мақсадида социологик услубларни ҳам ёрдам учун жалб қилдик. Демак, социологик ёндашув асосидаги тадқиқот усулларида айнан социологик сўровнома (диссертациянинг 1-илоvasи) ва социологик суҳбат (интервью) (диссертациянинг 3-илоvasи) кабилардан фойдаландик. Ушбу тадқиқот усуллари ёрдамида биз жамиятдаги, хусусан, фалсафа соҳаси билан яқиндан таниш бўлган шахслар иштирокида эркинликни умумий тушунилиши, шу ўринда антик давр қарашлари билан бизнинг ҳозирги замонамиздаги айнан эркинликка бўлган муносабатни ўхшаш томонлари борлиги, айрим жиҳатларда уни айнан тарихий тажрибалардан ўрганишга зарурият мавжудлиги каби натижаларга эга бўлдик.

Тарихий-фалсафий жараёнда турли даврлардаги турли файласуфлар қарашлари ва фалсафий таълимотларни кетма-кетликда ўрганиш давомида

уларни қиёслаш мазкур изланишларнинг эркин руҳиятига қай даражада масъулликни ўз бўйнига олади<sup>31</sup>? Ушбу саволга жавобни топиш учун компаративистика тарихий-фалсафий жараённинг ички мантиғини изоҳлаш билан шуғулланиш лозим. Тарихий-фалсафий жараённинг ички мантиғи муаммоли майдон доираси ичида жойлашган фалсафий оқимларни бирлаштириш билан шуғулланиши талаб этилади. Барча масалалар бирлигини таъминловчи бу каби ёндашувда юзага келувчи муаммоларни зиддиятларсиз ҳал этишдан ташқари, айнан шу зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда, муаммоларни ҳал этишга уринувчи бошқа фалсафий йўналишнинг пайдо бўлиши фалсафий фикрнинг ривожланишини таъминловчи омил саналади<sup>32</sup>.

Қиёслаш методологияси ишлаётган вақтда таълимотлар, қараш ва ғояларнинг ўзига хос ўхшашлигини, уларнинг дивергенцияси ва кутубланишини, ворисийлик жиҳатларининг сабабларини кўриш, улар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имкониятига эга бўламиз. Жараён мобайнида бирор фалсафий мактаб, анъаналар, маданиятлар, тушунчалар такомиллашиш турларининг эски, номақбул вариантлари изчил таҳлил қилиниб, янги хилдаги кўринишлари ишлаб чиқиш имкониятлари катта. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, тарихий-фалсафий жараёнга тегишли изланиш ва тадқиқотнинг янги намуналари синовдан ўтказилиб, синтезланади. Бу жумлалар фалсафий компаративистика, бошқача айтганда, қиёслаш фалсафаси оддий ва содда услуб сифатида чегараланиб қолмасдан, балки илмий тадқиқотга оид амалий-услубий йўналиш сифатида юзага чиқишини тасдиқлаб турибди. Компаративистика асосини Шарқ ва Ғарб фалсафий қарашларини таққослаш ташкил этмайди. Унинг муҳим жиҳати «Инсонга ўз ҳаётидаги ижтимоий дунёқарашга оид муҳитни тушуниши, ўзгартириши ва қайта қуришига кўмаклашгани ҳолда, шахснинг қадриятларга оид тузилмаларини тузатиш ва баъзан чуқур қайта қуришни кўзда тутати»<sup>33</sup>.

Биз ўрганаётган даврда эркинликнинг илк тасвирлари инсонлар онгида шакллана борган. Эркинликнинг илк тушунчаси «қонун», «полис», «фуқаро» тушунчалари билан боғланган. Аммо кейинчалик бу атама кенгроқ кўламга ёйилган ҳамда унга бўлган муносабат ўзгариб, қизиқиш ортиб борган. Эркинлик полис чегаралаган доирадан чиқиб, софистлар кўлида соф фалсафий тушунчага айланган. Унинг инсон билан алоқасини келтирган ҳолда, эркинлик полис қонунларидан ташқари ҳолатда ҳам эга бўлиш мумкинлиги ҳақидаги нуқтаи назар келтириб ўтилган.

Агар юнон классик фалсафаси вакили Сократ фикрларини ундан олдин яшаб ўтган файласуфлар қарашлари билан таққосласак, унинг специфик ҳеч кимга ўхшамаган ёндашувини кўриш мумкин. У илк бора ахлоқий танловни эркинлик сифатида қўллайди. Яъни, аввалгидек инсон фақат полис фуқароси бўлгани учун ёки ҳеч қандай тазйиқларсиз фаолият олиб бориш орқали эркин ҳисобланмай, ахлоқ нормалари чегарасидан четга чиқмаган ҳолда, фаолият

<sup>31</sup> Смирнов Л.В. Великий шейх суфизма. – М., 1993. – С. 10.

<sup>32</sup> Karimov R.R., G.M.Ruzmatova. Falsafiy komparativistika. Darslik. – Toshkent: Universitet, 2021. – В. 6-30.

<sup>33</sup> Овсянников В. Г. Методология и опыт сравнительного анализа социального развития // Россия и Китай: Социальные и политические проблемы развития. – СПб., 2003. – С. 7-8.

олиб бориши орқали эркинлигини айтиб ўтган. Эркинлик ўз ҳирсларини қондириш фаолияти эмас, балки ана шу ҳирсдан воз кечган ҳолда эзгуликка интилишдир.

Платон ўзининг фалсафий қарашларининг бошида Сократнинг фикрларига қўшилган ҳолда, инсон қалби ўз тақдирини эркин равишда танлайди, унга ҳеч қандай тўсиқлар қўйилмайди, ҳеч қандай аралашувлар унинг эркин танловини ўзгартира олмайди. Қалб танловдан сўнг барча хотираларни унутиб, ўша танлаган қисмати билан яшайди. Сократнинг эркинликка эришиш тўғрисидаги фикрларида Платон файласуфларгина унга етишган ҳолда соялар оламидан чиқишлари мумкинлиги ҳақида фикр юритади. Бироқ фаолиятининг сўнгги даврларида Платон эркинликка инсон учун зарарли ва керак бўлмаган нарса сифатида қарай бошлайди. У ўзининг «Давлат»<sup>34</sup>ида эркинлик инсон қўлида вайронкорликка олиб бориши тўғрисидаги салбий фикрларни илгари суради. Эркинлик фақат давлатга хос, барча давлат учун хизмат қилиши даркор.

Аристотель Платоннинг фикрларини ёшлик даврида ёқлайди, улардан илҳомланади, ҳайратланади. Аммо вақт ўтиб, устозининг камчиликларини англаб, ўз фикрини ўзгартириб боради. У эркинликни салбий тусда кўрмайди, яна уни мавҳумлик билан ҳам боғламайди. Эркинлик ҳар бир инсонда эркин фаолият юритиш, ўзбошимчалик билан ифодаланади. Инсон кўпинча ақл билан эмас, балки ҳиссиёт, эҳтирослар билан иш тутаяди. Шунда унинг эркин танлови юзага чиқади. Мустақил хатти-ҳаракат қилар экан, ҳар бир фаолиятининг келтириб чиқарувчи оқибатларига ҳам ўзи масъулдир. Ўзбошимчалик тагида қилмишларига жавобгарлик, масъулият каби факторларга ҳам боғланиб кетади.

Неоплатончилар қарашларини Сократ, Платон ва Аристотель ишлари билан солиштирадиган бўлсак, бир томондан, барчасининг синтези, бошқа томондан, уларга умуман ўхшамаган ёндашув гувоҳи бўламиз. Бунда қиёсий таҳлил ўз ишининг натижасини кўрсатади. Улар фикрича, инсонларнинг ўзи эмас, балки уларнинг қалбларигина эркин бўлиши мумкин, мутлақ тугал эркинлик Ягоналикда<sup>35</sup> ўз ўрнини топади. Эътибор берадиган бўлсак, уларгача бўлган файласуфларда абсолют эркинликка эришиш тўғрисида сўз бормайди. Плотин ва унинг издошлари абсолют эркинлик Ягоналикда ўз аксини топиши, у инсонга Ягоналикдан Ақл, Қалб босқичлари орқали ўтишини таъкидлайдилар. Бироқ инсон танаси эркин бўла олмайди, чунки у табиат ва жамият қонунларига бўйсунушга мажбур. Айнан шу томондан инсон эркин эмас. Лекин инсон қалбига қулоқ солиб, моддий дунё лаззатларини ортада қолдирсагина эркинлик ҳиссини туя олади. Бу қарашлар кўриниши Сократнинг руҳий эркинлик тўғрисидаги фикрлари билан айнанлашади.

«Эркинлик» феноменини тарихий жиҳатдан ўзгарувчанлиги юқоридаги фикрлар асос бўлиб хизмат қилади. Эркинлик ички зидлик, ўзгарувчанлик, мослашувчанлик каби сифатлар билан характерланади. У жамият ривожига

<sup>34</sup> Платон. Сочинения в четырех томах / Под общ. ред. А.Ф. Лосева, В.Ф. Асмуса. – СПб.: 2007. – Т. 1 – 629 с.

<sup>35</sup> Берестов И.В. Свобода в философии Плотина. – СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 2007. – 382 с.

алоҳида ўрин тутади. Айнан эркинлик туфайли инсон эволюциянинг нофаол объекти бўлишидан асралиб, жамият тараққиёт жараёнида фаол шахсга айланади. Эркинликнинг хаос, стихияли кўринишда гавдаланиши, ўз навбатида, жамиятни пароканда бўлиш хавфини уйғотади ҳамда бу каби эркинликка жамиятда йўл қўйилмайди. Фалсафа тарихининг ўзида намоён бўлувчи танлов – ирода эркинлигининг турли хил трансформацияга, яъни сифат ўзгаришлари, модификацияга учраши кўринишидаги жараёнларни биологик эволюциядаги табиий танланишга ўхшатиш мумкин. Фалсафа тарихини ўрганиш давомида антик давр фалсафаси кўпгина категорияларга, тушунчаларга, таълимотларга илк дебоча бўлиб хизмат қилгани маълум бўлади. Эркинлик феномени ҳам бундан мустасно эмас.

Диссертациянинг «**Қадимги юнон классик фалсафасида эркинлик ҳақидаги қарашларнинг дивергенцияси**» деб номланган иккинчи бобда Сократ ва унинг мактаблари фалсафасида эркинлик талқинининг ворисийлик хусусияти, Эркинлик атамасининг Платон таълимотидаги диалектикаси ҳамда Аристотельнинг қарашларида эркинлик феноменининг акс этиши кўрсатиб ўтилган.

Тарихий-фалсафий жараёнда эркинлик ҳақидаги тасаввурлар кундалик онгдаги доимийликда ҳам, ҳуқуқлар тизимида ҳам, фалсафий таълимотларда ҳам маълум бир даражада трансформацияга учраган. Айнан антик фалсафада инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари ўртасидаги алоқадорлик яхши очиб берилгани ҳеч кимга сир эмас.

Антик жамиятда куллик мавжуд нарсадек қаралган бўлса, унда эркинлик муаммоси кул ҳолатига алоқаси бўлмаган. Ҳуқуқ ва эркинлик фақат фуқаролиги бўлган шахсларгагина тегишли бўлган. Жумладан, масъулият фақат уларнинг бўйнига илинган. Классик полисда фуқаро эркинлиги унинг хўжалик автаркияси (ўз-ўзидан қониқиш, ташқи муҳитга тобе бўлмаслик) фуқаровий тенг ҳуқуқлилиқ ва жамоа олдидаги бурчни бажариши билан мос келишини назарда тутган. У улар орқали метеклар ва қуллардан, яъни фуқаровий жамоага нисбатан ташқи инсонлардан ажратиб турувчи табиий ҳолат ва меросий устунлик каби қабул қилинган. Антик Юнонистонда эркинлик анъанавий тарзда куллик, тобелик, тутқунликнинг антитезаси сифатида намоён бўлган, шунингдек, эркин ва қулни антиномияси антик юнон маданиятини, яна ҳам кўпроқ эллин ва варвар қарама-қаршилигини характерлайди. М.Полецнинг фикрича, «Тарихан айнан эркин бўлмаганлар, қулларнинг мавжудлиги, биринчи ўринда, бошқаларга ўзларининг шахсий эркинлигини ҳис қилиш имконини берган»<sup>36</sup>.

Ўн йиллар ўтиб, унинг шогирдлари томонидан ёзилган диалогларда акс этган бир қатор суҳбатлари бунинг далолатидир. Платоннинг «Горгий» диалогидан олинган биринчи файласуф Афин билан софист Калликнинг ҳамда Ксенофонтнинг «Сократ ҳақида хотиралар» номли иккинчи китобидаги шогирди Аристипп билан бўлган полемикасига эътибор қаратамиз. Бу икки баҳс ҳиссий лаззатланиш устидан ақлий назоратни ҳамда шу юзасидан, Сократ

<sup>36</sup> Polenz M. Freedom in Greek Life and Thought. The History of an Ideal. – Dordrecht, 1966. – P. 3.



ва унинг оппонентлари учун хос бўлган эркинликнинг турли тушунчалари пайдо бўлиши борасидаги мавзуларни бир-бирига яқинлаштирган. Лекин афиналик мутафаккирнинг аргументлари бу икки баҳсда ҳам ўхшашлигига қарамасдан Калликл ва Аристипп ҳимоя қилаётган эркинликнинг турли «концептлари»га қарши боришига тўғри келади. Шу ўринда, Сократнинг позициясига хос бўлган таниш қарама-қаршилик келиб чиқишига эътибор бермасликнинг иложи йўқ.

Инсон муаммоларининг ахлоқий жиҳатларини ўрганар экан Сократ эркинликни нафақат танлов, балки эзгулик, яхшилик, ахлоқийлик билан ҳам боғлаган. Сократ этикаси позициясидан эркинлик рефлексиясида индивидуаллик ва жамоавийлик симбиози вужудга келади. Илк бора инсон эркинлиги ўз чегараларини бошқа бир инсон эркинлиги чегарасигача бориб тугата олади, деган фикр шаклланади.

Сократнинг бу каби эркинликни ахлоқ билан боғлаши ўзига хос маънони келтириб чиқарган. Инсоннинг эркинлиги жамият қонун-қоидаларига бўйсунган ҳолда ахлоқий категориялардан бири бўлган эзгуликка интилиш билан алоқадор. Шундай экан, индивид ўзининг хусусий, моддий эҳтиёжларидан озод бўлиб, комилликка интилиши ҳақиқий абсолют эркинликка бўлган йўлни босиб ўтиш билан тенглаштирилади. Бу каби ғоялар тасаввуф таълимотининг айрим қарашлари билан мос келишини англаш қийин кечмайди.

Бундан ташқари, Сократ мактабларининг фалсафий таълимотларида, киниклар ва киренаикларда фуқаролар эркинлигининг бошқача талқинларини келтириб чиқариш мумкин. Киниклар нуқтаи назари бўйича инсон ўз табиатига кўра гуноҳкор ва золим, шу туфайли у эркинликни қўлга кирита олмайди. Буларнинг барини айбдори табиат неъматларининг чекланганлигидир. Шу ўринда «Гуноҳкор инсон ўз эҳтиросларига тобе ва ўз қалбининг энг қимматли бойлиги – эркинликни йўқотади»<sup>37</sup>. Киниклар мактаби вакиллари соф эркинлик ҳақидаги саволни ўзининг индивидуал ҳаёти давомида социум олдидаги масъулияти орқали белгилашган. Киниклар позицияси бўйича автаркия соф эркинлик саналади. У шахснинг мустақиллиги ва автономлигини ўз ичига олади, улар эса «нодонлар ортидан қуваётган неъматлардан қимматлироқдир»<sup>38</sup>.

Сократ мактабларига қарама-қарши унинг шогирди Платон эркинликни идеал давлатдаги эйдосларни ўзида мужассам этган ҳолда талқин қилган. Фақат социумнинг бундай ижтимоий кўтарилишлар мавжуд бўлмаганда ва фуқароларни гуруҳларга бўлиш қонунлаштирилган моделида эркинлик қатъий кўрсатмалар чегарасида фаолият доирасини мўлжаллайди. Шу ўринда, «Давлат учун ҳаддан ортиқ эркинлик ҳаддан зиёд тобелikka айланади»<sup>39</sup>. Бироқ Платончилик позицияси бўйича давлат қонунларига бўйсунуш зарурияти тан олинади. У ўз ичига индивид масъулияти ва танлов учун тақдим

<sup>37</sup> Греческий мудрец Диоген. – М.: Посредник, 2010. – С. 37.

<sup>38</sup> Антология кинизма. – М.: Наука, 1984. – С. 14.

<sup>39</sup> Платон. Собрание сочинений. В 4 т. М.: Мысль, 1994. – Т. 3. – 352 с.

этилган вариантларни олади. Платон фикри, «Қонун кучга эга бўлмаган ҳамда кимнингдир ҳокимияти кўл остида бўлган давлат барбод бўлишга яқинроқдир. Қаерда қонун бўлса, у бошқарувчининг ҳукмдоридир, улар эса унинг тобеси, мен давлатни сақлаб қолиш ва маъбудлар давлатга бера оладиган ҳар қандай неъматларнинг барчасини кўздан кечириб чиқмоқдаман»<sup>40</sup>. Жумладан, айнан қонун «эркинликнинг ягона асл намоёни»<sup>41</sup> бўлиб туради. Шундай экан, фақат эркинликнинг мавжудлиги борасидаги саволларгина эмас, балки у индивидга зарурий аҳамият касб этадими, қонунчиликка бўйсунуш ва давлат манфаатларининг устунлиги зарурияти билан қандай боғланган, деган саволлар ҳам туғилиши табиийдир. Хусусийлик муносабатида умумийлик доминантлигини тан олган ҳолда Платон шундай хулосага келади, қонунга бўйсунуш ва анъаналарга содиқ қолиш эркинликка эҳтиёж қолдирмайди, давлат манфаатларининг устунлигига тўсиқ бўлади, исён ва бўйсунмасликка асос бўлади. Эркинлик эйдослари давлат сифатидир, шахснинг эмас, давлат бошқарувининг идеал модели имтиёзидир, индивиднинг эмас.

Шундай қилиб, Платон ўз фалсафий қарашларида эркинлик диалектик характер касб этади. У ўз таълимотидан келиб чиқиб, ғоялар ва соялар оламида эркинлик мавжудлигини тан олади. Бироқ тушунчани салбий тус олиши Платон ижодида яққол кўзга ташланади. Демак, у эркинликни инсон учун хавфли таъсири, эркин танловдаги қийинчилик ва мураккаблик, давлат ва жамият фаолиятида негатив оқибатларга олиб келиши борасидаги фикрларга бир неча бор тўхталади.

Аристотель ўз ишларида эркинлик атамасини ўзига хос ёндашув билан кўриб чиқади. Унинг асар ва таълимотларида эркинлик сўзи турли соҳаларда, турли кўринишда акс этади. Фалсафий қарашлари жой олган «Метафизика» асарида Аристотель донишмандликни талқин қилиш жараёнида бу донолик хислатини назария («theoretikai» - теоретика) илмига мос келишини айтиб ўтади. У ушбу илмга юқори баҳо бериб, уни юксакларга кўтаради. Унинг фаолиятини эса эркин сифати билан таърифлайди: «...Бошқалар учун эмас, балким фақат ўзи учун ўзи яшайдиган инсонни эркин деб айтсак, унда худди шунингдек ушбу илм ҳам ягона эркин илмдир, яъни у фақат ўзи учунгина мавжуд саналади»<sup>42</sup>. Бу каби изоҳ эркинликнинг жўн шакли ҳисобланади. Аммо бу унинг асл мазмунига путур етказмайди, аксинча тўлдиради ва соддалаштиради.

Жумладан, Аристотелнинг эркинлик таснифида ўзидан илгари ижод қилган файласуфлар қарашларидан фарқли ва ўхшаш жиҳатларни учратиш мумкин. Аристотель таълимотида инсонга қуйидагича талқин берилади: у фаолиятга, ноёб сифат саналган эркин танловга эга мавжудот. Ушбу танловни амалга ошириш учун билимнинг ўзи етарли эмас, балки иродавий акт ҳам зарур. Эркинлик томон эзгу билим ва эзгуликка интилиш кўринишини олган, мукаммаллашган автаркия билан йўғрилган ҳолда бориш даркор. Бу

<sup>40</sup> Алексеев П.В., Панин А.В. Хрестоматия по философии. – М.: Проспект, 2003. – С. 99, 519.

<sup>41</sup> Платон. Диалоги. – М.: Мысль, 1986. – С. 22.

<sup>42</sup> Аристотель. Сочинения в 4-х томах. // Метафизика. – М.: Мысль, 1976. – Т. 1. – С. 69.

қарашлари Аристотелни Сократнинг эркинликни ахлоқий танлов билан ифодалаган тасвирига яқинлаштириб қўйганини кузатамиз.

Фаолият характеристикаси тарзидаги эркинлик талқини билан бир қаторда, Аристотель уни «ўзбошимчалик» ва «эзгулик» тушунчалари билан боғлаган ҳолда кўриб чиқади. Фаолият ўзбошимча ва ўзбошимча бўлмаган турларга бўлинади. Биринчисига, яъни ўзбошимча фаолият турига ишлаб чиқилган нормалар, ўрнатилган қоидалар, табиий ёки ижтимоий тартибга бўйсунуш ёхуд келтириб чиқарувчи оқибатидан беҳабар бўлган, маълумотга эга бўлмаган ҳолда уларни амалга ошириш кабилар хос.

Ўзбошимча фаолият учун идрок ва асос зарурий шартлар саналади. Улар барибир ҳам онгли тарзда актуаллаштирилади. Фаолият ва қилмишларни мақсад, воситасини аниқловчи танлов эркинлиги инсон воқелигида ақл ва билим ёрдамида пайдо бўлади. Бундан ўзбошимча фаолиятлар амалга оширилиши учун аниқ бир эркинлик ва анланганлик каби хусусиятлар талаб этилишини хулоса қилиш мумкин.

Демак, Аристотель эркинликни ўзбошимчалик ҳамда масъулият билан боғлаган. Инсон Коинот томонидан тақдим этилган тухфани ақл ёрдами билан мақсадга йўналтириши зарур. Ўзбошимчалик эркинлик билан чамбарчас боғланар экан, эркин танлов учун жавобгарликни ҳам, ўз навбатида, қабул қилиши даркор. Инсон бажараётган қилмишлари учун, яъни ўзи танлаб қилаётган ҳаракатларига масъулиятни ўз бўйнига олади. Унинг келтириб чиқарадиган оқибатлари учун ҳам фақатгина ўзи сабабчидир.

Юқорида келтирилган файласуфлар ижодида эркинлик атамаси тугал кўриниш касб этмаган. Аксинча, унинг серқирралиги ортиб, кейинги авлод файласуфлари дунёқарашига таъсир кўрсатмай қолмаган.

Диссертациянинг **«Неоплатонизм фалсафий тизимида «эркинлик» тушунчасининг аҳамияти»** деб номланган учинчи бобида Плотиннинг умумий тизимида эркинлик масаласининг ўрни, Плотин «Энеада»ларида «эркинлик» терминининг тадқиқ этилиши ҳамда сўнгги неоплатонизм вакилларида эркинлик муаммосининг ечими кабилар намоён бўлган.

Ҳозирги пайтда антик давр фалсафаси тарихи изланувчилари Плотин фалсафий тизимининг асосий онтологик жиҳатларини ўз таълимотларидан келиб чиққан ҳолда бирлик-кўплик нисбатида тадқиқ этиш кенг тарқалган. Бундай ёндашув маҳсулдорлиги билан ажралиб туради. Плотин фалсафаси билан яқиндан таниш фалсафа тарихчилари унинг фалсафий тизими ҳақида маълумотга эгалар. Иерархия кўринишидаги тизимнинг энг чўққисида Ягоналик ўрин эгаллайди. Ягоналикни у аниқ яхлит бир изоҳ билан таърифламаган. У жуда кенг тушунча саналади. Кейинчалик христиан мутафаккирлари буни «худо» тушунчаси билан бирга қўллаганлар ва файласуф фикрларнинг мос келувчи томонларини ўзлаштириб, янгича ёндашувларни айтиб ўтганлар. Ягоналикдан сўнг Ақл, ундан кейин Қалб даражалари келади. Бундай юқоридан пастга томон ҳаракат қиладиган иерархияда эркинлик масаласи ҳам ўзининг турли даражадаги кўринишларини намоён этади. Олий, юқори онтологик даражадан ўрин эгаллаган

масалалардан кўра, куйи даражадаги кўпликнинг кўпайиши ҳамда унинг келиб чиқишига оид муаммоларни ўрганиш ва улар ечимини беришга кўпроқ имкон яратади. Бу кўринишдаги ҳолат эманация жараёнини англатади. Аммо бу билан Плотин таълимотидаги ғоялар чегараланмаган.

Бу тадқиқотлар доирасидан четда қолаётган ғоя олий даражадаги, Плотин таълимоти марказида турувчи энг муҳим – Эзгулик сифатидаги илк ибтидо Ягоналикни англаш, тушуниш саналади. Бу тушунчани тушуниш учун унинг бутун бошли фалсафий тизимини таҳлил қилиш талаб этилади. Эзгулик у учун мутлақ эркин ҳаракат тарзида қабул қилинади. Демак, илк ибтидо концепцияси тўғри англаниши учун файласуфнинг эркинлик деганда нимани назарда тутишини билиш муҳим ҳисобланади. Аммо унинг эркинлик феномени таърифини тушуниш мураккаб вазифалардан биридир. Бу йўлдаги қийинчиликлар шу борада изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар орасида бир-бирини рад этадиган, бир-бирига ўхшамаган фикрлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Эркинлик Плотин фалсафий тизимининг ҳар бир бўғини моҳиятида иштирок этади. Унинг фалсафасида мавжуд бўлган даражалардан эркинлик учун хос умумийликни ажратиб олишимиз қийин кечади. Умумийни тушуниш хусусийни тушунишни енгиллаштиради. Шу боис, бу ҳолатсиз ҳар бир даражага хос бўлган эркинлик, шу билан бирга, илк ибтидонинг мутлақ, яъни абсолют эркинлиги моҳиятан қандайлигини англай олмаймиз. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: айнан «эркинлик» тушунчасини ўрганиш бизга Плотин системасини тушуниб, уни ҳар томонлама таҳлил қилишда асосий восита ролини бажаради.

Ақл мулоҳазасидаги [VI,8,3,22–23]<sup>43</sup> эркинлик даражаси юқорилигига қарамасдан Плотин Ақл эркинлигини тўлақонли деб айта олмайди. Ақл эркинлигининг чегаралангани унинг Ақл бўлиши учун эйдослар билан «тўлдирилиши»да Ягоналикка муҳтожлиги орқали ифодаланади. Бундан ташқари, Ақл экзистенциал сифатга эга. Бу эса унинг Ягоналик билан ўзаро боғлиқлигини, усиз мавжуд бўла олмаслигини англатади. Ақл ўзга нарсаларга ҳам боғлана олмайди, муҳтоҳликни у фақат Ягоналикка нисбатан ҳис қилади. Кейинги мулоҳазаларимизда биз абсолют бўла олмайдиган Ақл эркинлиги ўзининг бу камчилигига қарамасдан «эркинлик» тушунчасини ёритиб бера олиш имконига эғалигини кўрсатиб ўтамыз.

